

ЯШАСИН 1 МАЙ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЛ
ЧИҚИШИ

№ 86 (4802).

1
МАЙ

СЕШАНБА

1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН 1 МАЙ — МЕХНАТ-
КАШЛАРНИНГ ИМПЕРИА-
ЛИЗМГА ҚАРШИ, ТИНЧЛИК, ДЕ-
МОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ
УЧУН КУРАШИДА ХАЛҚАРО
БИРДАМЛИК КУНИ!

УЛУҒ АЙЁМ

Ўзат, ардоқли, қудратли
Советлар дийрига Биринчи Май
ташриф буюрди. Меҳнат ва ба-
хори, тинчлик ва дўстликни,
тенглик ва эркинликни, бахт-
саодат ва бирдамликни маҳд
этувчи бу улуг айём миллион-
миллион кишилар қалбига шод-
лик ва қувонч, нур ва шуур,
куй ва қўшиқ бахш этиб келди.

Байрам тонги! Лафозатли,
мунаввар, нафту-намоли бу
тонг гоёт ёқимли ва кўркам.
Сервиқор шаҳарларимиз, дил-
бар қишлоқларимиз ранго-ранг
либос кийиб, завоқ-шафқа тў-
либ бу тонгни қаршиламиз.
Шу аснода табият ҳам минг
яшло билан хилма-хил тоvlan-
моқда. Ҳуснада беқисс боғлари-
мизда, бағри жавоҳирга кон
серсафлат тоғларимизда, беюён
пахтазорларимизда, ялғизил
ийтовларимизда ўзгача та-
роват, ўзгача зеболик. Бу
тонгда булбуллар ҳониши ҳам,
қумрилар наъмаси ҳам бўлак-
ча. Бутун ер юзи бўйлаб Май
руҳи, Май найфияти ҳукмрон.

Бу йилги Май байрамини ҳам
хар галгидек совет кишилари
меҳнатда ва бунёдкорлик ишла-
рида янги-янги зафарлар билан
кутиб олдилар. Коммунистик
жамият қуриш жабҳасида мато-
нат кўрсатаётган, она-Ватани-
миз келажакни йўлида янги мар-
раларни эгаллашга қатъий бел
боғлаган марду-майдон халқи-
миз барча соҳаларда улкан
йўтуқларни қўлга киритдилар.
Шу зумда Қизил майдон томон
оқиб келатган колонналар
маршида, қудратли қўллар кў-
тариб олган сон-сановат ол
байроқларда, бинолар пештопи-
ни ислаган транспарант ва на-
полларда ана шу завоқларимиз
ёриши аётиб турибди.

Биринчи Май тантаналари
партиямиз XXIV съезди гоёла-
ри ва қарорларининг ҳаётибахш
таъсири остида ўтмоқда. Қуни-
кеча ўз ишлари якунлаган
КПСС Марказий Комитетини ан-
рель Пленумининг руҳи бугун
хар бир қалбни фахр ва гурӯр-
га тўлдирмоқда. Қирғизистан
алвонларга битилган «Ленин
партиясига шон-шарафлар!»,
«Улут совет халқига шон-ша-
рафлар!», «XXIV съезд қарор-
ларини амалга оширамиз!»,
«Марксизм-ленинизм — байро-
гимиз!», «Партияимизнинг ле-
нинчи ташқи сўёсатини маъ-
қуллаётимиз!» каби шiorларда
партия билан халқ монолит
бирлиги, халқимизнинг Ленин
васиятларига, коммунизм иши-
га чексиз содиқлиги ўз ифода-
сини топган.

Шу дақиқаларда шоду-хур-
рамлик билан кенг магистрал-
лар бўйлаб бораётган пойтахт-
миз корхоналарининг пешқада
кишилари, областимиз колхоз
ва совхозларининг илғорлари,
танқили фан ва маданият ар-
боблари, олий ўқув юртлиари ва
мактабларининг талабалари че-
раларида олам-олам қувонч,
лабларда бир жаҳон табассум.
Меҳнатсевар, серҳаммат, саҳо-
ватли кишиларимизнинг сўзла-
рига қудок солар экансиз, иш-
лаб чиқаришдаги юксак суръат-
лар, пахтачилигимиздаги улкан
йўтуқлар, фав-техника тарақ-
қитининг самаралари, халқ
турмуши фаровонлигининг ўси-
шида эришилган ажойиб муваф-
фақиятларининг тўвоқи бўласиз.

Биринчи Май руҳида, энг
аввало, беш йиллик меҳнат рит-
минин кўрамиз. Бугун колонна-
ларнинг олдинги сафларинда
шонли ишчилар синфимизнинг
донгдор вакиллари, майбодли со-
циалистик мусобақачиликни
қўллаб қўллаб турган. Улар ораси-
да байрам арафасида улкан га-
лабага эришган областимиз ва
пойтахтимиз саноат ходимлари-
нинг катта отряди ҳам бор. Са-
новатчиларимиз тўққизинчи беш
йилликнинг арбоблар учинчи йи-
ли планини муваффақиятли адо
этиш учун социалистик мусоба-
қани кенг анж олдириб, маҳсу-
лот реализацияси ва қўлчилик
муҳим турларини ишлаб чиқа-
риш бўйича «қарвал планини
муддатидан илгари бажардилар.
Пландан ташқари 24,9 миллион
сўмлик маҳсулот ишлаб чиқа-

ридли ва реализация қилинди.
Ишлаб чиқариш ҳажминин 1972
йилнинг биринчи кварталидати-
га нисбатан 8,8 процент, меҳнат
ушумдорлигини эса 5,5 процент
оширишга муяссар бўлдилар.

Партия ва ҳукуматимиз рес-
публикамизда қишлоқ хўжали-
гини юксалтириш учун ҳамisha
оталарча ғамхўрлик қилиб кел-
моқда. Тўққизинчи беш йиллик-
да қишлоқ хўжалигимизни рив-
ожлантириш учун давлат йўли
билан 7 миллиард сўм, колхоз-
лар йўли билан 2 миллиард
сўм маблағ сарфланади.

Бу оталарча ғамхўрликка ама-
лий иш билан жавоб бераётган
пахтакорларимиз 1973 йилда
она-Ватан хирмонига 400 минг
тонна «оқ олтин» армуғон
этишга азму-қарор қилдилар.
КПСС Марказий Комитетининг
1 Май Ҳақириқларидан илҳом-
ланган азамат заршунослари-
миз чигит экиш планини бар-
вақт тугалладилар. Қўнғина ил-
ғор хўжаликларда дастлабки
ўзат парварини қизитиб тоби-
рилди.

Йилдодий лабораторияларда,
или-фан даргоҳларида ҳам 1
Майга муносиб туҳфалар ҳо-
зирилди. Янгилик жонқуярла-
рини, ҳар ишга қодир энгиллари-
миз, олимларимиз, фан ва ма-
даният арбобларимиз ўз соҳа-
ларида қўн қашфиётларни ама-
лга оширдилар.

Планетамиз узра шу дақиқа-
ларда 1 Май Ҳақириқлари тап-
тавадор лигромақда: «Яшасин
1 Май — меҳнаткашларнинг
империализмга қарши, тинчлик,
демократия ва социализм учун
курашида халқаро бирдамлик
куни!», «Бутун дунё пролетар-
лари, бирлашингиз!».

Бугунги кунда барча совет ки-
шилари дўстлик ва биродарликни
мустаҳкамлаш учун, қардош-
ларча ўзаро муносабатларини
янада ривожлантириш учун ку-
рашга келган коммунистик мамла-
катларнинг халқларига сажиний
саломлар йўллаб, «Социалистик
интернационализм байрогини
бевалид кўтарайлик!» деб хитоб
қилимоқдалар. Миллий ва соци-
ал олодлик учун, мустамалакчи-
лик зулмининг ва ирқий тенг-
сизлигининг ҳамма турларини
туғатилиш учун курашувчилар
бугун барча тараққиёпарвар ин-
соният билан, ўз ишчилар син-
фи билан энма-ж туриб 1 Май
байрамини ишончламоқдалар.

Бугунги табаррук кунда совет
кишилари империалистик
агрессия қучлари устидан тари-
хий гаалаба қозongan қажрамон
Вьетнам халқи, Ҳинди-Ҳитойда-
ли Лаос, Камбоджа, Исроил
боқинчиларига қарши ҳақли
кураш олиб бораётган араб
мамлакатларининг халқлари би-
дан бирдам эканликларини из-
ҳор қилимоқдалар.

Бу йилги Май тантаналари
КПСС XXIV съездининг улғу-
вор режаларини муваффақиятли
амалга ошириладиган, беш йил-
ликнинг ҳал қилувчи йили план
ва мажбуриятларини муддати-
дан илгари адо этиш учун халқ-
чилигининг меҳнат ва сибсий ак-
тивлиги барқ урган био вазият-
да ишюланмоқда. Съездан
кейинги ўтган давр мобайнида
мамлакатимиз янада қудратли-
рок, янада гўзалроқ бўлиб
қолди.

Совет кишилари томонидан
меҳнат фронтида эришилаётган
йўтуқлар бундан буён қўлга ки-
ритилаётган буюк зафарларни
қилиб дебюасидир. Комму-
низм биносининг шонли меъмо-
ри совет халқига янги-янги га-
лабалар кулиб боқмоқда. Яша-
син ишчилар синфи ва барча
меҳнаткашларнинг синалган
авангарди, коммунизм учун ку-
рашда совет халқининг йўлбош-
чиси ва ташкилотчиси Совет
Иттифоқи Коммунистик пар-
тияси!

Ҳар доим бўлсин байрам,
Май бўлсин, баҳор бўлсин!
Тинчликсевар халқимизга,
Бахту-ишбод ер бўлсин!
Бугун Май элиминда,
Қувонар миллион юрак.
Азиз дўст, ватандошлар,
Улут айём муборак!..



«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

Шу йил 19 апрелда академик Д. В. Скобелцин раис-
лигида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш
учун» халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажли-
си бўлди.

Комитет 1972 йил учун халқаро Ленин мукофотларини
бериш тўғрисида тушган таклифларни кўриб чиқиб шу
масала юзасидан қарор қабул қилди.

Комитетнинг халқаро Ленин мукофотларини бериш
тўғрисидаги қарори бутун эълон қилинади.

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» 1972 ЙИЛГИ ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ку-
рашдаги гоёт катта хизматлари учун қуйидагилар-
га «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш
учун» халқаро Ленин мукофотлари берилсин:

Брежнев Леонид Ильич — КПСС Марказий Ко-
митетининг Бош секретари.
Сальвадор Альенде — Чили республикасининг
президенти.

Эрике Пасторино — Жаҳон касаба Союзлари
Федерациясининг раиси (Уругвай).
Жеймс Олдриж — ёзувчи, жамоат арбоби
(Англия).

Комитет раиси Д. В. СКОБЕЛЦИН.
Комитет аъзолари: Г. В. АЛЕКСАНДРОВ (СССР), ЛУИ АРАГОН (Франция), Н. Н. БЛОХИН (СССР), МИРЬЯМ ВИРЕ-ТУОМИНЕН (Финляндия), РЕНАТО ГУТ-
ТУЗО (Италия), АННА ЗЕГЕРС (ГДР), КЕШАВ ДЕВА МАЛАВИЯ (Ҳиндистон), ХУАН МАРИНЕЛЬО (Куба), ПАБЛО НЕРУДА (Чили), Н. В. ТОМСКИЙ (СССР),
ГЕОРГИЙ ТРАЙКОВ (Болгария), КАОРУ ЯСУИ (Япония).
Москва, 1973 йил, 19 апрель.



Л. И. БРЕЖНЕВ



САЛЬВАДОР АЛЬЕНДЕ



ЭРИКЕ ПАСТОРИНО



ЖЕЙМС ОЛДРИДЖ

